

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 55 (1654), 2026 йил 22 март, якшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



НАВРЎ СИМФОНИЯСИ — УЧ МИНГ ЙИЛЛИК ҚУДРАТДАН ҚУВВАТ ОЛАЁТГАН ЁШЛИК, БУНЁДКОРЛИК ШИЖОАТИ

“Янги Ўзбекистон” боғида Наврўз байрамига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.



Янги Ўзбекистондаги янгиланишлар нафаси бор бўй-баста билан Наврўзга ҳамоҳанг! Кўп миллатли халқимиз қалбида жўш ураётган ҳаётсеварлик, бунёдкорлик кайфияти, миллий ўзликни англашга кучли иштиёқда бунга яққол кўриш мумкин.

Наврўз — шарқона йилбоши. Унинг келиши янги нафас, янги ҳаётни бошлаб беради. Қишда куч тўплаган дарахлар, тупроқ остида илдиз отган дон ва уруғлар яшил тўн кийиб, кўкка бўй чўзади. Табиатта ҳамоҳанг равишда инсонлар қалбида ҳам эзгулик жўш уради.

Мухташам “Янги Ўзбекистон” боғида бўлиб ўтган тантанали байрам тадбирида Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, кўп миллатли халқимизга Наврўз табригини йўллади. Бу йил Наврўз ва Рамазон ҳайити бир паллада нишонланмоқда. Бу ҳам



халқимизнинг содатли кунлари бардавонлигидан далолат бермоқда. Зеро, табиат уйғониши ва руҳий покланиш рамзи бўлган кутлуг кунлар кўп миллатли халқимизни янада жипслаштирмоқда. Ватан учун, миллат учун, халқ учун деб яшаш кундалик аъмолимизга айланиб бормоқда.

Ана шу бирдамликнинг амалий ифодаси ўлароқ, дунёнинг олис ва яқин мамлакатларида меҳнат қилаётган, таҳсил олаётган ватандошларимизга ҳам самимий салом ва тилаклар йўлланди. Тонг эпкинидан киши қалбида ажиб туйғулар жўш уради. Муаззам саҳна тарафдан

ёқимли мусиқа таралади. У авж олиши баробарида саҳнадаги лолалар юз очади. “Янги Ўзбекистон” боғидан баҳор қувончини етказиб суюнчи сўраган болалар кулгуси ва овози таралди.

► Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Муҳтарам меҳмонлар! Бутун дунё нурга, гўзалликка тўлган шу дилбар фаслда жонажон диёримизга шарқона янги йил — Наврўзи олам кириб келмоқда. Бугун бамисоли икки азим дарё туташмоқда — Наврўз байрамини муборак Рамазон ҳайити билан бирга нишонламоқдамиз. Табиат уйғониши ва руҳий покланиш рамзи бўлган мана шундай кутлуг айёмлар билан сизларни, кўп миллатли бутун халқимизни чин қалбимдан самимий табриклайман. Дунёнинг олис ва яқин мамлакатларида ишлаётган, таҳсил олаётган ватандошларимизни ҳам муборакбод этиб, уларга эзгу салом ва тилакларимизни ихсдор этаман.

Байрам барчамизга муборак бўлсин! Наврўзи олам диёримизга тинчлик ва бахт олиб келсин! Азиз дўстлар! Бугун баҳорни соғинган юракларимиз янги кун, янги ҳаёт шуқуҳи билан яшамоқда. Осмондан обираҳмат ёғилиб, дарё ва кўлларимиз сувга тўлмоқда. Боғларимиз, қир ва адирларимиз ўт-ўланлар билан қопланиб, йиллимиз баракали бўлишидан дарак бермоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз, водий ва воҳаларимизда сайил-томошалар бошланмоқда. Янгиланиш фасли бўлган Наврўз кунларида халқимизнинг умуммиллий бирдамлиги, бунёдкорлик салоҳияти янада яққол намоён бўлмоқда.

Наврўз қадриятларига содиқ бўлиб, миллати, тили, динидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимизни, бутун эл-юртимизни рози қилиш йўлидаги ишларимизни янги босқичга кўтармоқдамиз. Бу йилги байрамга “Наврўзи нулуғлаш — инсонни нулуғлашдир”, деган давлаткор гоа асос бўлгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Биз барча ҳудудларимизга, қишлоқ ва овуллар, маҳаллаларимизга Янги Ўзбекистон нафасини олиб кириш бўйича қатта ҳаракат бошладик. Янги иш ўринлари яратиб, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш борасида ҳам улкан қадамлар қўймоқдамиз. Янги-янги замонавий корхоналар, ком-

муникация тармоқлари, шинам уй-жойлар, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт объектилари барпо этилмоқда. Келгусида бундай қурилишлар кўламини янада кенгайтирамоқдамиз. Ушбу файзли тонгда миришкор деҳқон ва фермерларимизга барчамиз юксак ҳурмат ва эҳтиром билдирамоқдамиз. Сиз, азизларнинг элимиз дастурхонини янада тўкин ва фаровон қилишдек эзгу ишларингизда зафар ва омадлар тилаймиз. Чунки сизларнинг олижаноб меҳнатингиз билан халқимизнинг ризку насибаси бутун бўлади. Бу борада давлатимиз, жамиятимиз сизларни доимо қўллаб-қувватлайди.

► Давоми 2-бетда

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Табиат уйғониши, ҳаётда янги босқич бошланишининг рамзи бўлган, эзгулик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик ва она заминга ғамхўрлик каби абадий қадриятларни ўзида мужассам этган қадим байрам — Наврўзи олам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига самимий табриклар келмоқда. Уларда юртимизнинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванқ тилаклари билдирилган. Хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таникли сиёсат

ва жамоат арбобларининг қутловларида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш, барқарор тараққиётни таъминлаш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган кенг қўламли ислохотларга юксак баҳо берилган.

Очик, тинчликсевар ва прагматик ташки сиёсат олиб борилаётгани, минтақавий ҳамкорлик, яхши қўшничилик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслар фаол илгари сурилаётгани туфайли давлатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи изчил ўсиб бораётгани алоҳида таъкидланган.

Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида фаол ривожлантириш деб ишонаман. Ушбу кутлуг айёмда Сизга мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, барча халқингизга эса бахт-саодат ҳамда фаровонлик тилайман.

Хурмат билан,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси
Президенти



**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига**

Хурматли Президент жаноблари!

Ой тақвими бўйича Янги йил муносабати билан йўллаган табригингиз учун Сизга самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз. Хитой ҳукумати ва халқи номидан Сизни, ҳукуматингизни ва Ўзбекистон халқини аънанавий байрамингиз — Наврўз кириб келиши муносабати билан чин дилдан қутлайман.

Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаман. Ўтган йили биз Сиз билан икки марта учрашиб, турли соҳалардаги ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича муҳим келишувларга эришдик. Бу янги даврдаги Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги барча шароитда ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янги ривожланиш босқичига олиб чиқди.

Мен стратегик ўзаро ишонч ва аънанавий дўстликни доимий равишда мустаҳкамлаш, умумий тақдирга эга Хитой — Ўзбекистон ҳамжамиятини қуришни чуқурлаштириш ва амалий даражага кўтариш учун ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш борасида Сиз билан биргаликда ишлашга тайёрман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

► Давоми 2-бетда

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 март куни Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида етакчилар бир-бирларини муборак Рамазон ҳайити ва баҳорий Наврўз айёми муносабати билан дилдан қутлаб, икки мамлакатнинг қардош халқларига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва бардавон раванқ тиладилар.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовга ҳам самимий табрикларини йўллади.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Барча даражаларда самарали мулоқотлар давом этмоқда. Товар айирбошlash ҳаммининг барқарор ўсиши, шу жумладан, тайёр маҳсулотларни етказиб бериш орқали таъминланмоқда. Яқинда ишга туширилган

“Шовот – Тошқуву” савдо зонасининг самарали фаолияти ҳам ўзаро савдонинг ошшишига хизмат қилмоқда.

Юк ташиллар ҳажми, шу жумладан, Туркманбоши порти орқали изчил ортмоқда. Энергетика, саноат, сув хўжалиги ва транспортда кооперация кенгайиб бормоқда, Парламентлараро, ҳудудлараро, ишбилармонлик ва маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар Яқин Шарқ ва Жанубий Осиёда юзага келаётган вазият юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Барқарор тинчликка эришишнинг ягона йўли вазиятни сиёсий-дипломатик чоралар билан ҳал этиш экани таъкидланди.

Жорий йилда кўзда тутилган кўп ва икки томонлама тадбирлар режаси ҳам муҳокама қилинди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

20 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Исломи Республикаси Бош вазири Шахбоз Шариф ўртасида телефон мулоқоти бўлиб ўтди.

Икки давлат етакчилари бутун умуминсон уммати учун муқаддас бўлган Рамазон ҳайити — Йил ал-Фитр ва кутлуг Наврўзи олам байрамлари муносабати билан бир-бирларини самимий қутладилар. Дўст Ўзбекистон ва Покистон халқларига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва давомий раванқ тилаклари ихсдор этилди.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил февраль ойда Покистонга амалга оширган давлат таширифи икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янги сифат босқичига кўтаргани алоҳида таъкидланди.

Олий даражадаги таширдан кейин вазирликлар, идоралар ва ҳудудлар даражасидаги мулоқотлар янада фаоллашган, ўзаро алмашинувлар аниқ натижалар билан бойиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Сўхбат давомида томонлар сўнгги вақтларда Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ минтақасидаги кескинликдан жиддий ташвиш билдириб, ҳар қандай зиддият ва муаммони фақат тинч ва дипломатик воситалар орқали ҳал этиш зарурлигига ургу бердилар.

ЎЗА



**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига**

Хурматли Шавкат Мирмонович! Баҳорги уйғониш рамзи бўлган Наврўз байрами муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар юксак даражага чиққан. Стратегик шериклик ҳамда иттифоқчилигимизни бундан буён ҳам дўст халқларимиз фаровонлиги, Марказий

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бошланиши 1-бетда



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу.
Наврўз байрами муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига энг самимий табриклар ва эзгу тилакларни изҳор этишдан хурсандимиз. Сизга сийҳат-саломатлик, биродар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига бардавом тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаймиз.

Сиз Жаноби Олийлари бизнинг саломларимиз ва эҳтиромларимизни қабул қилгайсиз.

Салмон бин Абдулазиз Ол САУД,
Саудия Арабистони Подшоҳи



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу.
Наврўз байрами муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига энг самимий табрик ва тилакларимизни изҳор этишдан хурсандиман.

Сизга сийҳат-саломатлик, бахту саодат, қардош Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига бардавом юксалиш ҳамда фаровонлик тилайман.

Сиз Жаноби Олийлари менинг саломларим ва эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол САУД,
Саудия Арабистони Валиаҳди,
Вазирлар Маҳкамаси Раиси



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Азиз қардошим!
Хар йил табиат уйғонишининг тимсоли бўлган Наврўз байрами муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига ва қардош Ўзбекистон халқига халқим ва шахсан ўз номимдан энг самимий табрикларимизни изҳор этаман.

Илдилари узоқ ўтмишга бориб тақаладиган қадим Наврўз аънаамиз башариётга умид ва барокат ҳушхабарини бермоқда. Муштарак маданият маконимизда нишонланадиган мазкур байрамда дўстлик ва қардошлик ришталаримизнинг янада мустаҳкамланишини тилайман.

Наврўз ҳозирда эҳтиёжининг бўлган тинчлик, мурося ва ҳамкорликка бўлган умидларни учқунлатиши — энг катта орузумиз ва тилагимиздир.

Байрам муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига, оилангизга соғлиқ ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига омонлик ва фаровонликка тўла келажак тилайман.

Режеп Таййип ЭРДОҒАН,
Туркия Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Мирмонович!
Сизга ва қардош Ўзбекистон халқига Наврўз байрами муносабати билан самимий табрикларим ҳамда энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Янгиланиш, бунёдкорлик ва фаровонликни ўзида мужассам этган ушбу муқаддас байрам юксак қадриятларга интилувчи бутун инсоният ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Қутлуг баҳор айёми Наврўз қардош халқларимизга илиқлик, мўл-кўлчилик, қувонч ва фаровонлик олиб келсин.

Биргаликдаги сай-ҳаракатларимиз туфайли мустаҳкам дўстлик ва яхши кўшничилликка асосланган Қозоғистон — Ўзбекистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари бундан буён ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида жадал ривожланиб боришига ишонаман.

Хурматли Шавкат Мирмонович, фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон равнақи йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар, мамлакат халқига эса фаровонлик ва тўқинлик тилайман.

Халқ бахтли-саодатли яшасин, фаровонлик эса тўқин ва мўл бўлсин!
Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Мирмонович!
Наврўз байрами билан Сизни ва бутун қардош Ўзбекистон халқини чин дилдан табриклайман.

Бу ёрқин ва қувончли байрам баҳорда табиат уйғониши, бирлик ва дўстлик, тинчлик ва фаровонлик рамзидир. Ушбу айём халқларимизни боғлайдиган кўп асрлик дўстлик ва меҳр-оқибат аънааналарини ўзида мужассам этиб, умумий тарихга асосланган қардошлик муносабатларини мустаҳкамлайди.

Узаро ҳурмат, ишонч ва стратегик шерикликка асосланган барча даражалардаги ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам биргаликдаги сай-ҳаракатлар асосида давом этиб, халқларимиз келажакдаги порлоқ бўлишини таъминлашга ҳисса қўшишига ишончим комил.

Хурматли Шавкат Мирмонович!
Сизга сийҳат-саломатлик ва давлатчилик фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош ўзбек халқига эса тинчлик ва тараққиёт тилайман.

Хурмат билан,
Садир ЖАПАРОВ,
Қирғиз Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Мирмонович!
Халқро Наврўз байрами муносабати билан энг эзгу ва самимий тилакларга йўғрилган қутловларимизни қабул қилгайсиз.

Қадимий тарихга эга ушбу байрам маданий мерос ва кўп асрлик аънааналаримиз муштараклиги ифодаси сифатида уни нишонлайдиган халқлар ўртасидаги алоқаларини тинчлик ва хавфсизлик, яхши кўшничлик, узаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш ғоялари асосида мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Наврўзнинг боқий бунёдкорлик аънааналари бизни халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари ҳамда узаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида тинимсиз сай-ҳаракат қилишга ундайди.

Тожикистон томони Ўзбекистон билан стратегик шериклик ва иттифоқчилик доирасидаги давлатлараро муносабатларнинг бугунги даражасидан мамнун.

Ишончим комил, мамлакатларимиз ушбу қадимий байрамнинг юксак умуминсоний қадриятларига таянган ҳолда, кўп қиррали муносабатларни мазмунан бойитиш йўлида бундан буён ҳам биргаликда ҳаракат қиладилар.

Ушбу қутлуг кунларда Сизга мустаҳкам соғлиқ ва масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда янги зафарлар, мамлакатингизнинг қардош халқига эса бахт-саодат, фаровонлик, тинчлик ҳамда барқарорлик, изчил тараққиёт ва равнақ тилайман.

Наврўз муборак!
Чуқур ҳурмат билан,
Эмомали РАҲМОН,
Тожикистон Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Мирмонович!
Халқро Наврўз байрами муносабати билан Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни йўллайман!

Дунёнинг қўллаб мамлакатларида кенг нишонладиган ушбу гўзал байрам баҳорнинг бошланиши ва табиатнинг уйғонишини аниқлатади. Наврўз байрами турли халқлар ва маданиятлар ўртасидаги яхши кўшничлик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. Ушбу ёрқин байрам умид рамзи бўлиб, бугунги дунёда инсонпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашга ундайди.

Ушбу ажойиб байрам Сиз ва бутун мамлакатингиз халқи учун бахт, қувонч ва янги муваффақиятлар олиб келсин!
Чуқур ҳурмат билан,
Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркменистон Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Мирмонович!
Халқро Наврўз байрами муносабати билан Сизга самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Наврўз ҳаётга муҳаббат ва яхши келажакка ишончнинг мустаҳкамланиши рамзидир. Ушбу байрам кўп асрлар давомида халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда.

Ушбу қутлуг айём Сиз ва Ўзбекистон халқи учун тинчлик, қувонч ва янги ташаббуслар билан нишонлансин. Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда янги муваффақиятлар тилайман.

Чуқур ҳурмат ила,
Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркман халқининг миллий етакчиси,
Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Мирмонович!
Азиз қардошим!
Сизга ва қардош Ўзбекистон халқига буюк ажодларимиздан қолган Наврўз байрами муносабати билан шахсан ўз номимдан ва Озарбайжон халқи номидан самимий табрикларимни йўллаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Баҳор келганидан дарак берувчи, табиатга меҳр, руҳий поклик ва янгилишни шодибанаси бўлмиш ушбу миллий байрам қардош халқларимизга фаровонлик, бахт ва файзу барака олиб келишини тилайман.

Биз дўстлик ва биродарликнинг ажойиб намунаси бўлган Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатларининг кун сайин ривожланиётгани ҳамда иттифоқчилигимизнинг мустаҳкамланиётганидан жуда мамнунимиз. Ишончим комилки, умумий келиб чиқиш, тарих ва маданият ришталари билан боғланган қардош Ўзбекистон билан кенг кўламли муносабатларимизни давлатларимиз манфаатлари ва халқларимиз фаровонлиги йўлида янада чуқурлаштириш бўйича биргаликдаги сай-ҳаракатларимизни давом эттирамиз.

Ушбу файзли кунларда Сизга ва оилангиз аъзоларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон Республикаси ҳамда унинг халқи равнақи йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Хурмат билан,
Илҳом АЛИЕВ,
Озарбайжон Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Мирмонович!
Сизни одамлар қалбини самимийлик, қувонч, бахт ва порлоқ келажакка умид билан тўлдирувчи Наврўз билан чин қалбимдан табриклайман.

Ушбу байрамга хос узаро ҳурмат ва конструктив ҳамкорлик ғояларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, Беларусь Ўзбекистон билан дўстлик ва шериклик муносабатларини изчил мустаҳкамлаб бормоқда. Давлатлараро мулоқот ва амалий ҳамкорликни ривожлантириш бундан буён ҳам фуқароларимиз манфаатларига хизмат қилиши ва Евроосиёда барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшишига ишонаман.

Хурматли Шавкат Мирмонович, ушбу муборак кунда Сизга мустаҳкам соғлиқ, масъулиятли фаолиятингизда туганмас куч-ғайрат ва муваффақиятлар, дўст ўзбек халқига эса тинчлик ва тотувлик тилайман.

Хурмат билан,
Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Покистон халқи ва ҳукумати номидан, шунингдек, шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларини, яқинларингизни ҳамда қардош Ўзбекистон халқини Наврўз ва Рамазон ҳайити билан самимий муборакбод этиб, энг эзгу тилакларимизни изҳор этаман.

Наврўз ва Рамазон ҳайити умуминсоний қадриятлар — тинчлик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ҳамда шукроналикни ўзида мужассам этади. Ушбу қувончли воқеалар халқлар ўртасидаги тотувлик, узаро ҳурмат ва ҳамкорликка бўлган умумий интилимизни янгилаш имконини беради.

Сиз, Жаноби Олийларининг жорий йил февраль ойида Покистонга амалга оширган тарихий ташрифингизни мамнуният билан эслайман, яқин кунларда икки томонлама алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш учун олий даражадаги алмаши-нуварини давом эттиришимизни интиқлик билан кутаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик, қардош Ўзбекистон халқига эса бардавом тинчлик, тараққиёт ҳамда равнақ тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимизни қабул қилгайсиз.

Шаҳбоз ШАРИФ,
Покистон Ислам Республикаси Бош вазири

Шунингдек, қуйидагилар ўз қутловларини йўллаган:
Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти **Нурсултон НАЗАРБЕКОВ**,
Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зайд Ол НАХАЁН**,
Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд АББОС**,
Татаристон Республикаси Раиси **Рустам МИННИХАНОВ**,
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Нурлан ЕРМЕКБАЕВ**,
Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек ОМУРАЛИЕВ**,
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзо давлатлари Парламентлараро ассамблеяси бош котиби **Дмитрий КОБИЦКИЙ**,
Шанхай ҳамкорлик ташкилотиининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроа қўмитаси директори **Уларбек ШАРШЕЕВ**,
Рус православ церкви Тошкент ва Ўзбекистон епархияси митрополити, Ўрта Осиё митрополия округи раҳбари **ВИКЕНТИЙ**.

Қутловлар келиши давом этмоқда.



МУАЗЗАМ МАЖМУА – МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази ва унинг теварагидаги бунёдкорлик ишлари кўз ўнгимизда бажарилди. Қурилиш пойдеворига 2018 йил 15 июнь — Рамазон ҳайити кунинда рамзий тамал тоши қўйилган эди. Орадан 8 йил ўтиб, яна айнан шу муборак айём арафасида ушбу мухташам марказ учун эшикларини очди.

Тарихий Ҳазрат Имом мажмуасига ёндош ўн гектарга яқин ҳудудда ўтган даврда қурилиш, пардозлаш ва марказ музейи мазмун-моҳиятини шакллантириш устида жадал ишланди. Бу жараёнлар давлатимиз раҳбарининг тегишли тавсия ва таклифлари билан амалга оширилди. Президентимиз тамал тоши қўйилишидан бошлаб, бунёдкорликнинг ҳар бир босқичида қурилиш майдонига ташриф буюриб, ишларнинг боришини муттасил кўздан кечирди. Танишиш жараёнида муҳим маслаҳатлар берилди, мутахассислар иштирокида мажмуа тарҳига зарур ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди ҳамда тақомиллаштирилди.

Марказ маҳалламиз ҳудудига қад ростлади. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг мажмуага ҳар бир ташриф ҳудуд аҳлига ўзгача кайфият, хушнудлик бағишлайди. Холбуки, мамлакатимиз етакчиси ҳар сафар уйимиз олдига келиб, ҳолимиздан хабар олиши, очиқ мулоқотга киришиб, камчилик ёки муаммоларимиз ҳақида сўраб-суриштиришини илгари тасаввур ҳам қила олмадик.

Ислам цивилизацияси маркази тикланиши баробарида маҳалламиз ҳудуди, унга туташ қўллаб кўча, майдон ва иншоотлар янгидан чиroy очди, мисли қўрилмаган даражада оқиб бўлди. Мажмуа аҳоли, қолаверса, пойтахтликлар ва меҳмонлар учун маънавият ўчоғига, тарих кўзгусига, маданий ҳордиқ чиқарадиган масканга айланди. Айниқса, оқшом чоғи фусункор манзарадан кўз қувнайди.

Пойтахтнинг узоқ тарихга эга Қорасарой, Зарқайнар кўчаларига янги ҳаёт нафаси кириб келди. Қорасарой кўчасидан ўтказилган автомобиллар учун ери ости йўли, икки чеккада мумтоз усулда қад ростлаган меҳмонхоналар, савдо расталари, Зарқайнарнинг Эски Жўва бозорига олиб чиқадиган тор ва узун кўчасида бажарилган

ва ҳамкорлик ғоялари бугунги нотинч замонда янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бу байрамни бир бўлиб, шоду хуррамлик билан нишонламоқда. Мана шундай аҳиллик ва тотувлик Янги Ўзбекистонимизни биргаликда барпо этишнинг энг ишончли кафолатидир.

Биз жамиятимизда миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. Бу борада қўшни ва қардош мамлакатлар билан бирга, ягона Марказий Осиё овози бўлиб, минтақамизнинг тинчлик, биродарлик ва ҳамкорлик макони сифатидаги нуфузини оширишга устувор аҳамият қаратамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, даврамизда иштирок этаётган хоржий давлатларнинг муҳтарам элчиларини, халқро ташкилотлар вакилларини Халқро Наврўз кунин билан самимий қутлаб, уларнинг халқига қизгин табрикларимизни йўллаймиз.

Қадрли дўстлар!
Мана шу тароватли лаҳзаларда барчангизга, бутун эл-юртимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман.

Азизлар, қаранг, қандай гўзал юртимиз, қандай саховатли заминимиз, бетакорр табиатимиз бор.

Бу бебаҳо бойликларини миң йиллар оша асраб-авайлаб келаятган меҳнаткаш, оқ кўнгил ва олижаноб халқимиз бор.

Худо бизга ато этган ер-сувимизни, барча имкониятларимизни қадрлаб, улардан оқилона фойдалансак, бир бойлигимизга, албатта, ўн бойлик қўшилади.

Шу боис, азалий аънааналаримизни давом эттириб, қўчат экиб, боғ яратайлик, уйимиз, маҳалламизни обод қилиб, ҳаётимизни янада гўзал ва фаровон этайлик!

Яхши кўшничлик, аҳилчилик ва эзгу ишларимиз билан юксак марраларга интилаётган халқ эканлигини дунёга намойиш этилайлик!

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт, янги тарих, янги келажак яратайлик!
Сиз ва муҳтарам ватандошларим!

Азиз, қадрдонларимни, бутун халқимизни Наврўзи олам билан яна бир бор чин дилдан табриклайман.

Янги Ўзбекистон Наврўзи — юксалиш ҳамда тараққиёт даври халқимизга равнақ ва фаровонлик ато этсин!

Барча пок ниятларимиз амалга ошсин!
Яратган Парвардигор жонажон Ватанимизни ўз паноҳида асрасин!
Янги кун, янги бахт барчамизга муборак бўлсин!

Саноат ЯҲЁЕВА,
“Хастимом” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, П даражада “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби



ЯНГИ КУН – ЯНГИ ҲАЁТ

Доим ғолиб, музаффардир янги кун, янги ҳаёт, Кутлуг бўлсин, ватандошлар, янги кун — янги ҳаёт.

Она юртим, биноларинг бунча кўркам, бунча кўркам, Бунча кўркам қақду бастинг янги ўлкам, янги ўлкам.

Авайлагил ер-сувингни, авайлагил тупрогингни, Уруғ сочиб, кўчат экиб, яраттил ўз гулбоғингни.

Баҳор чорлар ёруғ, нурли хаёлларга, хаёлларга, Боғларингиз тўлсин гулу чечак ҳамда ниҳолларга.

Бир халқ бўлиб, обод Ватан яраттаймиз, Гўзал Ватан жамолига дунёларни қараттаймиз.

Она юртим, ота макон — меҳрим балқир, Меҳнатқашим, заҳматқашим, она халқим.

Янги замон — гулгун ўғил-қизларингдир, Келажакка элтар нурли изларингдир.

Худо ўзи ато этмиш रिқ-рўзингиз, Элдешларим, кутлуг бўлсин Наврўзингиз.

Уйларингиз тўлсин доим бугўдойларга, Дуч қилмасин Ўзи ҳаргиз балоларга, Тинчлик берсин Ер юзига, дунёларга.

Бу дийрда дунёларча умидлар бор, ниётлар ёр, Ўзинг асра шу жонажон Ватанимни, Парвардигор.


Она юртим, минг асрлик азим халқим, Янги замон қураётган мардларингга таъзим, халқим.

Сирожиддин САЙИЙД, Ўзбекистон халқ шоири



Наврўзни улуғлаш – инсонни улуғлашдир!

НАВРЎЗ СИМФОНИЯСИ — УЧ МИНГ ЙИЛЛИК ҚУДРАТДАН ҚУВВАТ ОЛАЁТГАН ЁШЛИК, БУНЁДКОРЛИК ШИЖОАТИ



бунёдкорлик қодларини уйғотиб юборди. Шу маънода, уни Наврўзинг ёқими, илиқ эпкинига ўхшатишга ҳаққимиз.

Наврўздан сўнг барча тирик жон ҳаётини янгидан бошлагани сингари бугун Ўзбекистон ёшлари Учинчи Ренессанс бунёдкорлари бўлишдек улкан бахт ва юксак шараф билан яшамоқда. Улар ажодларимиз интиланган буюк орзуни рўёбга чиқариш йўлида дадил боришти. Бу йўлда бардавом ва изчил ҳаракат қилиши учун ёшларга зарур барча шароит яратиб берилмоқда.

Бундай янгиланишларни баҳорнинг яхши келишига менгзаш мумкин. Баҳор бу йилгидай етарлича кўшлани кунлар билан бирга серёгин келганида хирмон баракали бўлади. Бугун ёшлар учун зарур вақтда нур — ишончга асосланган куч, обихаёт — ўшиш, ўрганиш учун етарлича шароит тақдим этилмоқда. Бу хирмонини баракали бўлишидан дарак беради. Ҳа, янги Ўзбекистоннинг олтин авлоди зафар байроғини баланд кўтараверади.

Наврўз деганда қадриятлар, хусусан, маҳалла тизими кўз олдимишга келади. Халқимиз азалдан бир бутун халқ, ягона Ватан бўлиб яшашга интиланган. Шу боис, аксарият масалалар маҳалладан нарига ўтмаган, ўша жойнинг ўзида ҳал этилган. Янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг ҳаётбахшлиги шундаки, тарихий ҳақиқатлар замонавий ечимлар билан рўёбга чиқмоқда. Буни Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили доирасидаги ислохотларда ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатимиз етакчиси ушбу янгиланишлар жараёнида оила ва жамиятда тинчлик-товулик, ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ижтимоий муаммоларни жойида ҳал этиш, эзгулик ва адолатни қарор топтириш учун кўпни кўрган отахон ва онахонлар, "маҳалла еттилиги", фаол фуқароларнинг яқиндан

иштирок этишига ишонч билдирди. Шунингдек, 22 март — Маҳалла тизими ҳодимлари кунин билан соҳа вакиллари ва барча юртдошларимизни самимий табриклаб, фаолияти муваффақиятли бўлишига тилак билдирди.

Наврўз — ҳаёт тантанаси. Халқимиз азалдан уни кенг нишонлаган, бу кунни ҳаётнинг янгидан бошланиши дея қабул қилган. Инсоният тарихини теран ўрганган олимлар Наврўзнинг энг қадимги байрам эканини таъкидлайди. Халқимиз уни асрлар давомида асраб-авайлаб, улуғлаб келаяпти. Наврўз нафақат янги кун, балки гина ва араزلар унутиладиган, фақат яхши амаллар қилинадиган байрамдир. Энг йирик салтанатлардан бирига асос солган Амир Темури бобомиз ҳам эзгулик билан иш юритиб, адолатни қарор топтиришга жиддий эътибор қаратган. Дунё халқларини тинчлик, дўстлик ва иқтисодий-ижтимоий алоқалар байроғи остида бирлаштирган.

Мамлакатимиз етакчиси тадбирда иштирок этган хорижий давлатлар элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари Халқаро Наврўз кунин билан самимий кутлади. Уларнинг халқлари ва мамлакатларига эзгу тилакларини йўлади.

Давлатимиз раҳбари, жумладан, бундай деди: **“Азалги анъаналаримизни давом эттириб, кўчат экиб, бог яратайлик, уйимиз, маҳалламизни обод қилиб, ҳаётимизни янада гўзал ва фаровон этайлик!”**

Яхши кўшничлик, аҳиллигимиз ва эзгу ишларимиз билан юксак марраларга интилаётган халқ эканимизни дунёга намойиш этайлик!

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт, янги тарих, янги келажак яратайлик!”

“Янги Ўзбекистон” боғидаги байрамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, парламент ва ҳукумат аъзолари, турли

ҳудудлардан меҳмонлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари қатнашди. Ушбу тантанга катта концерт дастури билан давом этди. Фольклор-этнографик жамоалар ҳамда санъаткорларнинг чиқишлари, миллий уйин ва аскиялар барчага завқ-шавқ улашди.

Уйғониш, янгиланиш айёми — Наврўз фалсафасида тинчлик, ўзаро ҳамжихатлик, тотувлик қадриятлари мужассам. Шу маънода, Президентимиз “Янги Ўзбекистон” боғидаги тантанали тадбирдан кейин пойтахтимиздаги Миллий маданий марказлар павильонига ташириб буюрган бунёдкорлик, бағрикенглик, дўстлик, бирдамлик байрамнинг мантиқий давоми бўлди.

Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва бағрикенглик — халқимизга хос фазилатлар. Ўзбек халқининг ўзига хос ушбу менталитети юртимизда тинч-тотув яшашнинг муҳим манбаидир. Зеро, асрлар давомида шакланган меҳр-оқибат ва саховат, меҳмондўстлик ва раҳм-шафқат халқимизнинг юксак маънавий фазилатлари сифатида тарихнинг энг оғир давларида ҳам синовдан ўтиб, халқимиз иродасини янада мустаҳкамлади.

Бугун дунё ҳар қачонгидан ҳам нотинч, турли минтақаларда қуроли тўқнашулар, ўзаро қарама-қаршилик, савдо урушлари давом этмоқда. Мана шундай мураккаб вазиятда янги Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сийёсати, айниқса, юртимизда миллий маданиятларни ривожлантириш, миллатлараро тотувлиқни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш орқали ёш авлодни бағрикенглик ва ҳамжихатлик руҳида тарбиялашга давлат сийёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётгани катта аҳамиятга эга.

Барқарор тинчлигимизни таъминлашга қаратилган ана шундай ёндашув эвазига айни пайтда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва эл вакиллари ягона ва аҳил оила бўлиб яшамоқда. Ўз тақдирини ва келажagini Ўзбекистон билан боғлаган турли миллатта мансуб юртдошларимиз бугун ҳалол меҳнати, ватанпарварлик фазилати билан республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшмоқда. Бунда, шубҳасиз, юртимизда фаолият юритаётган 157 та миллий маданий марказнинг ўрни катта.

Президентимиз ташириб буюрган Миллий маданий марказлар павильони Дўстлик боғи ҳамда Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси биносига туташ майдонда барпо этилган. Бу ерда 22 миллатнинг ўзига хос архитектурасини акс эттирувчи икки қаватли дўстлик уйлари барпо этилган. Қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқирд ўтовлари, корейс, беларусь, украин, грек, олмон, дунган, поляк, яхудий, грузин, арман, татар ва қримтатар, уйғур, турк, тожик, хитой, рус ҳамда озарбайжон халқларининг дўстлик уйларида ҳар бир миллат урф-одатидан сўзловчи суратлар, уй-рўзгор буюмлари, санъат асарлари, чолғу асбоблари ва бошқа анжомлар ўрин олган.

Мазкур мажмуа давлатимиз раҳбари ташаббус билан мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва эллар ўз маданияти ва урф-одати, анъанасини сақлаб қолиши, ривожлантириши учун бунёд этилиб, ўтган йили 30 июль — Халқлар дўстлиги кунин арафасида фойдаланишга топширилган эди.

— Наврўз — миллатидан қаъми назар, мана шу юртда яшаётган барча фуқаронинг энг озиқиб кутадиган байрамидир, — дейди Ўзбекистон корейс маданият марказлари ассоциацияси раиси Виктор Пак. — Зеро, бу байрам моҳиятида янгиланиш, бунёдкорлик, ҳамжихатлик ғоялари мужассам. Шу маънода, Ўзбекистонимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро тотувлик Наврўзнинг аҳамияти катта.

Миллий маданий марказлар павильони, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос дўстлик шаҳарчасида байрам шукўчи яққол сезилади. Зеро, турли миллат вакиллари бу ерда ўз миллий урф-одатларини намойиш қилиш билан бир қаторда ўзаро ҳамжихатликда Наврўз байрамини агаб катта дошқозонда сумалак пишириди. Давлатимиз раҳбари бу ерда миллий марказлар фаолияти билан яқиндан таниди, иштирокчилар билан самимий мулоқот қилди. Учрашувлар чоғида миллий маданий марказларнинг умумхалқ байрамларини юқори кайфиятда ўтказишдаги ҳиссаси алоҳида эътироф этилди. Юксак ватанпарварлик, фидокорона меҳнати билан республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга қўшаётган ҳиссаси учун турли миллатта мансуб юртдошларимизга миннатдорлик билдирилди.

Президентимиз павильон меҳмонлари учун ташкил этилган бадий дастурини томоша қилди. Миллий маданий марказлар вакиллари билан бирга суратга тушди.

Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари

Бошланиши 1-бетда

Байрамни томоша қилаётганлар беихтиёр бир сонияда болақалб бўлиб қолганини ҳис этасиз. Уларнинг нигоҳи, оҳанги ва орзулари бўлоқ сувидай тиниқ ва тогли. Бундай ёруғ туйғу XXI аср кишини учун нақадар тансиқ эканини таъкидлашнинг зарурати йўқ, назаримизда.

Уч минг йиллик давлатчилик тарихига эга эканимиздан ҳақли равишда фарҳангамиз. Тарих чархпалаги доим бир маромда айланмагани ҳам бор гап. Халқимиз қанча синовни бошдан кечирмасин, миллий ўзлигини йўқотмай, кўз қорачиғидек асраб келди. Ҳаётнинг яна бир ҳақиқати бор: муайян муддат сўнган қувват яна қайта жонланади. Бу ҳам табиатнинг худди Наврўз ва Рамазон байрамлари уйғун ҳолда келишидай инъом. Мамлакатдаги ўзгаришлар шиддатига мос равишда халқимиз қалбида ҳам бирдамлик, катта қувват билан олға интилиш симфонияси юзага келади.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар миллати, тили ва динидан қаъми назар, барча юртдошларимизни рози қилишга қаратилган. Бунинг замирида халқимиз фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсад бор. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, шу йўлдаги ишлар янги босқичга кўтарилмоқда. Кутлуг айём “Наврўзни улуғлаш — инсонни улуғлашдир!” деган ғоя асосида ўтаётгани ана шу эзгу мақсадларнинг амалий ифодасидир.

Ифтихор

Бутун мамлакатимиз узра эзгу бир чорлов янграб, тарихий хотирамиз, миллий гуруримиз улуғ бир куч билан қайта уйғонгандек, эртаси кунин — Рамазон ҳайити тонгида қадим ўзбек дийрининг турли қишлоқ ва кентларидан зиёратчилар Зарафшон соҳиллари томон оқиб кела бошлади. Тошкент шаҳри йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси маълумотларига кўра, айни саҳар палласи пойтахти азимдан мисли кўрилмаган даражада кўп машиналар карвони йўлга чиққан. Бундай ҳолат илгари ҳеч қачон кузатилмаган.

Дарҳақиқат, шу кунларда Имом Бухорий бобомизга меҳримиз, эҳтиромимиз ҳар қачонгидан ҳам юксак макомда намойиш бўлмоқда.

Пайриқандаги қаддонларимга кўнгирик қилдим. Ҳожи Абдушуккур ота Муҳаммадқулов бундай деди: “Ешим тўксонга қараб боришти, не-не буюк ўзгаришларни кўрдим, лекин бундай улуғ зиёрат, бундай улуғ ибодат илгари ҳеч қачон кўрмаганман! Еру кўкка одам сизмай кетди! Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий, шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ажойиб маъруза қилди. Муқаддас айёмимизнинг жума кунига тўғри келганини қаранг-да! Жума намозини ҳам муфтий ҳазратлари бошчилигида ўқиймиз. Илгари чечка ва кўрмисиз қишлоқ бўлган бу маскан бир неча йилда шаҳарга — маърифат маркази, зиёратчилар масканига айланиб кетди”.



УЧ ҲАЙРАТ

Юртимиз бўйлаб кўклам нафаси кезаётган фараҳбахш дамларда — 19 март кунин мамлакатимиз етакчиси янгидан барпо этилган Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасига ташириб буюриб, муқаддас қадамжони зиёрат қилди. Мажмуа таркибидаги бинолар, диний ва маърифий масканлар, бу ердаги улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.



Тўнғич акам — бутун ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаган халқ таълими аълочиси, Мисриддин домладан сўрадим:
— Ҳайит намозини янги масжидда ўқиш насиб этдимми?
— Ҳар доимгидек бўлади деб бемалоқроқ борган эканмиз, яқинлашиб бўлмади. Ҳаммаёқ

тумонат одам. Охири шу яқин орадаги бошқа масжидда ўқишга мажбур бўлдим. Лекин жума намозига, албатта, вақтида етиб борамиз.
Эшитганларимни таҳлил қилиб, ўзимча бир хулосага келдим. Буни қарангки, туманимизда бир куннинг ўзида учта ҳайрат, учта мўъжиза юз берди.

Биринчиси — Аллоҳнинг инояти билан янги Ўзбекистон дурдонаси дея эътироф этилаётган шундай муаззам мажмуа улуғ айём — муборак Рамазон ҳайити кунин эл-юртимизга ўз бағрини очди. Мамлакатимиз диний-маърифий жамоатчилигининг энг кўзга кўринган намояндалари иштирокида

бўлиб ўтган бу зиёрат ва ибодат чиндан ҳам ҳар доим ҳам бўлавермайдиган буюк воқеа эди.
Иккинчиси — халқимиз, мўмин-мусулмонларимиз илгари ҳеч кўрилмаган бирлик ва ҳамжихатлик, чексиз эҳтиром туйғуси билан зиёратга отланди. Имом Бухорий

бобомиз, ул зотнинг муборак саждагоҳи ўша кунлари бамисоли миллий бирлик тимсолига айланди. Маънавий куч-қудрат манбаи сифатида бизни бир, ягона юрт дилбандлари бўлиб, ўзаро меҳр-оқибат кўрсатиб, янада аҳил ва иноқ яшашга чақирди.

Учинчиси... Келинг, бу ҳақда батафсил фикр юритайлик.
Бир неча кун олдин радиодан ёмғир ёғади деган маълумот берилган эди, лекин ёғмади. Акс ҳолда, ташқарида майдонларни тўлдириб ўтирган шунча одам эрталабки изгиринда яниб, совқотиб, шамоллаши мумкин эди. Имом Бухорий бобомизнинг зиёратига келган одамларни аяб, меҳрибон Парвардигоримиз шунчалар марҳамат кўрсатгани чинкам мўъжиза эмасми?

Халқимиз мустамлакачилик зулми давридаги таъзим ва тақиб остида не-не азоблар билан умр ўтказиб, бундай мўъжизаларни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган. Биз эса бир кунда шунча ўзгаришга, янги бир уйғонишга гувоҳ бўлдим.
— Тинчлик яхши-да, илоҳо, юртимизга кўз тегмасин! — деди Абдушуккур бобо нурунийларимизга хос донишмандлик ва шукроналик билан.

— Айтганингиз келсин, устоз! — дедим ўтмиш ва бугун манзараларини хаёлан солиштирган ҳолда мен ҳам мамнун бўлиб.

Муртазо ҚАРШИБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



КЕЛАЖАККА МУСТАҚКАМ ИШОНЧ ТИМСОЛИ



Абдулла ХУРСАНОВ,
“Олмалик кон-металлургия
комбинати” акциядорлик жамияти
бошқаруви раиси, сенатор

Шу йилнинг 16 март куни Президентимизнинг Олмалик кон-металлургия комбинатига ташрифи ва 3-мис бойитиш фабрикаси ишига старт берилиши мамлакатимиз санаяти тараққиётидаги муҳим воқеалардан бири сифатида тарихга муҳрланди. Мазкур ташриф, аввало, давлат раҳбарининг стратегик аҳамиятга эга йирик санаят корхоналарига қаратаётган доимий эътибори ва ғамхўрлигининг яна бир амалий ифодасидир.



Қолаверса, комбинат жамоаси меҳнатига берилган юксак баҳо ва келгуси тараққиёт учун мустақкам ишонч рами сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ташриф нафақат илмий-технологиямиз, балки бутун Ўзбекистон халқи учун улкан рағбат бўлди.

3-мис бойитиш фабрикаси бутун республика санаяти учун янги имкониятлар эшигини очди. Ушбу корхонада ҳар бирининг қуввати 5 миллион тонна бўлган 12 та тегирмон тўлиқ қувватга чиққанидан сўнг маъданни қайта ишлаш ҳажми 60 миллион тоннага етади. Бу мавжуд 1-мис бойитиш фабрикаси қувватидан 1,5 баробар кўп. Битта тегирмоннинг қуввати эса 2-мис бойитиш фабрикасининг бутун қувватига тенг. Яна бир жиҳати, фабриканинг селекция чехида 450 тонна молибден ва 870 килограмм рений ишлаб чиқарилади. Шунингдек, олтин ишлаб чиқаришнинг кўпайиши зарғарлик санаятини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ташриф давомида кенг кўламли инвестиция лойиҳалари, хусусан, янги қувватлар ишига туширилиши, илгор технологиялар жорий этилиши ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар билан танишилди. Бу жараёнлар мамлакатимизда санаятни чуқур модернизациялаш ва юқори қўшимча қиймат яратишга қаратилган ислохотларнинг мантқий давоми ҳисобланади.

Президентимиз Филтрлаш корпусида бўлиб, мис концентрати ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. Янги ва илгор технологияларни қўллаш эвазига ишлаб чиқарилаётган концентратда намлик эски технологиядаги 10 фоздан 8 фозгача туширилган.

Ҳар 1 тонна мис катодига мос равишда кўшимча 6 тонна сульфат кислота ишлаб чиқарилади. Сульфат кислота эса кимё санаятида минерал ўғитлар ва металлургия соҳасида уран маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади.

Фабрикада майдалаш жараёнида HPCR технологияси қўлланилиши харажатларни 20 фоз қисқартирди. Флотация босқичида онлайн анализаторлар намуна таҳлили вақтини 12 соатдан 5-6 дақиқача тушириб, металл йўқотилишини кескин камайтиради. Шунингдек, гравитацион бойитиш ва вертикал биссерли тегирмонлар каби инновациялар ҳисобига олтин ажратиб олиш ҳажми 1 фоз ошди. Бу 3-МБФ юқори иқтисодий самарадорлик, экологик хавфсизлик ва технология барқарорлигини таъминловчи замонавий мажмуа эканини кўрсатмоқда.

Фабрика учун зарур ускуналарни етказиб берган, дунёнинг етакчи компанияларидан бири ҳисобланган FLSmidth компанияси вице-президенти Питер Фланган сўзга чиқиб, АКШ фуқаролирига визасиз режим жорий қилинган учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирди.

Питер Фланган: “ОКМК билан ҳамкорлик қилиш катта шараф. Биз барпо этилган 3-мис бойитиш фабрикасини нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа тоғ-кон санаятида технология инқилоб деб ҳисоблаймиз. 3-МБФ юқори муҳандислик салоҳияти ва стратегик шериклигини намунасидир. Биз ОКМК билан узоқ муддатли ҳамкорликни давом эттиришдан мамнунмиз ва кейинги йирик лойиҳаларда ҳам энг замонавий инновацияларимиз билан иштирок этишга тайёрмиз. Худди шундай қувватдаги фабрика ўтган йили Чилида ишга туширилди. У 8 йил ичида қуриди. 3-МБФ

эса 4 йил давомида. Ким лойиҳаларни амалга оширишни ўрганмоқчи бўлса, Ўзбекистонга келсин!” дея таъкидлади.

Президентимиз ташриф давомида 3-мис бойитиш фабрикасининг Рақамлаштирилган бошқарув маркази фаолияти билан ҳам танишиб, суный интеллект орқали, айниқса, тоғ-кон ва металлургия тармоқларида самарадорликни ошириш бўйича катта имкониятлар борлигини қайд этди.

Санаят суный интеллектни жорий этиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, хомашё ва маҳсулот сифат кўрсаткичларини онлайн назорат қилиш, ҳар қандай талафот ва техник хавф-хатарларнинг тўлиқ олдини олиш, оғир санаятда инсон омили билан меҳнат муҳофазасини ишончли таъминлаш муҳим аҳамиятга эга натижадир.

Давлатимиз раҳбари соҳада интеллектуал мулк ва патент ишлари кўламини кенгайти-

риш масаласини стратегик вазиға сифатида белгилади. Таъкидланганидек, фабрикадаги ҳар бир технологик босқичда қўлланилаётган илмий ечимларни патентлаш бу — нафақат ҳуқуқий ҳимоя, балки янги технология, янги ишлаб чиқариш ва янги бозорлар демақдир.

Бу ёндашув ОКМКни йирик санаят корхонаси, шунингдек юқори технологияли ва инновацион ечимларни экспорт қилувчи халқаро марказга айлантиришга ҳам хизмат қилади.

Албатта, рақамлаштирилган йирик санаят корхонасини бошқариш юқори малака ва замонавий билимга эга кадрларни талаб этади. Бу эса ўз-ўзидан бутунги ёшларни янги билим ва кўникмаларга эга мутахассислар қилиб тайёрлашимиз зарурлигини кўрсатмоқда. 3-мис бойитиш фабрикаси учун етук кадрларни тайёрлашда Президентимиз ташаббуси билан 2024 йилда очилган Муҳандислик мактаби ва 2025 йилда ташкил этилган МТТУ МИСнС Олмалик филиали хузуридаги Илгор муҳандислик мактаби муҳим роль ўйнади.

Шу куни фабриканинг ўзида давлатимиз раҳбари раислигида металлургия санаятини ривожлантириш бўйича йиғилиш бўлиб ўтди ва унда устувор вазиғалар белгилаб берилди. Шунингдек, Санаят кенгашини ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Ушбу кенгаш, жумладан, юртимиздаги тоғ-кон санаяти ва металлургия соҳасидаги барча корхона ва таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Ташриф доирасида мамлакатимиз етакчиси томонидан янги металлургия мажмуаси ҳамда 4-мис бойитиш фабрикаси қурилишини жадаллаштириш, шунингдек, ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш, энергия самарадорлигини ошириш ва экологик барқарорлигини таъминлаш, муқобил ҳамда инновацион ечимлардан самарали фойдаланиш каби йўналишлар бўйича топшириқлар берилди.

Мазкур ташриф комбинат жамоаси учун катта руҳий куч ва илҳом манбаи бўлди. Давлатимиз раҳбарининг бевосита эътибори ва қўллаб-қувватлови ҳар бир ходим зиммасига янада катта масъулият юкляши баробарида уларни янги ютуқларга ундайди.

Олмалик кон-металлургия комбинати жамоаси ўзидан янги ишончли чуқур англаган ҳолда ўз олдига қўйилган вазиғаларни сидқидилдан бажариш, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини янада ошириш ва мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустақкамлаш йўлида бор куч ва салоҳиятини сафарбар этади.

Шубҳасиз, 2026 йил 16 март куни тарихий ташриф комбинат фаолиятида янги босқични бошлаб берди. У нафақат бутунги ютуқларни мустақкамлайди, балки келгуси улкан режаларни амалга ошириш учун пойдевор яратади.

Замонавий технологиялар, рақамли иқтисодиёт ва “яшил” энергетика тамаддунинг ажралмас қисмига, иқтисодиётнинг кон томирига айланди. Бу жараёни харақатлантирувчи асосий куч эса мисдир, чунки кўплаб юқори технологияли маҳсулотларни бу табиий бойликсиз яратиш имконсиз.

РЕСУРСНИ СОТИШ ЭМАС, УНИ ҚИЙМАТГА АЙЛАНТИРИШ БУГУНГИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИ

Ўзбекистон бой табиий ресурсларга эга. Аммо дунё иқтисодиётида энг катта фарқ энди ресурсга эгаликда эмас, балки ундан қандай оқилона ва самарали фойдаланишда намоён бўлмоқда. Табиий бойликларга эга давлатлар кўп, бироқ уларнинг барчаси ҳам ривожланмаган, чунки тараққиёт манбаи хомашёни сотишдан кўра, уни юқори қийматли маҳсулотга айлантиришдадир.



Бугунги кунда юртимизда мис ишлаб чиқариш соҳасида жадал ривожланиш кузатилаётир. Йилига 100 минг тонна мисни ўзимизда қайта ишлаш ва ундан юқори қийматли маҳсулотлар яратиш имконияти мавжуд. Шу йилнинг ўзида амалга оширилган янги лойиҳалар ҳисобига мисни чуқур қайта ишлаш қувватлари 240 минг тоннага етказилади. Бу иқтисодий самарани ошириш, миллий санаятни модернизациялаш ва янги иш ўринлари яратиш имконини ҳам беради.



Олмаликда давлатимиз раҳбари томонидан расман ишга туширилган 3-мис бойитиш фабрикаси айнан шу ёндашувнинг амалий ифодаси бўлди. Бу лойиҳа шунчаки янги иншоот эмас, балки ресурс иқтисодиётдан қиймат яратувчи иқтисодиётга ўтишининг аниқ намунасидир.



Мазкур мажмуа “Ешлик-1” кони билан узвий боғлиқ бўлиб, у ердан қазиб олинаётган маъданни чуқур қайта ишлашга хизмат қилади. Фабриканинг тўлиқ қувватга чиққанидан сўнг 60 миллион тонна маъданни қайта ишлаши уни нафақат мамлакат, балки глобал миқёсда ҳам йирик санаят иншооти қаторига олиб чиқади. Демак, гап оддий кенгайиш ҳақида эмас, балки мутлақо янги индустриал босқич ҳақида бормоқда.



Исмоилхон ВАХОБОВ,
3-мис бойитиш фабрикаси
бош муҳандиси

Лойиҳанинг кўлами унинг қурилиш жараёнидаёқ намоён бўлди. Минтақада мисли қўрилмаган даражадаги иш ҳажми амалга оширилди — ўн минглаб қурувчилар, минглаб техника воситалари, улкан ҳажмдаги бетон ва металл конструкциялар. Бу рақамлар фақат қурилиш миқёси ҳақида эмас, балки давлатнинг санаятни ривожлантиришга бўлган қатъий иродаси ҳақида сўзлайди.

Бироқ асосий масала миқдорда эмас, самарада. Фабрика ишга тушгач, маъдан оддий хомашё сифатида эмас, балки қайта ишланган маҳсулотга айланмоқда. Илк босқичнинг ўзидаёқ миллионлаб тонна маъдан қайта ишланиб, ўн минглаб тонна мис концентрати олинган бу жараённинг самарадорлигини кўрсатади. Лекин бу ҳали бошланғич, холос. Тўлиқ қувватга чиқилганда эса йиллик ишлаб чиқариш ҳажми мутлақо бошқача иқтисодий натижаларни таъминлайди.

Мис билан бирга олтин, қумуш ва бошқа қимматбаҳо элементлар ҳам ажратиб олинади. Янги бир вақтлар арзон хомашё сифатида қаралган ресурс эндиликда комплекс қиймат манбаига айланмоқда.

Агар хомашё экспорт қилинганда олинандан даромад билан тайёр маҳсулотдан тушадиган тушушни таққосласак, фарқ бир неча баробарни ташкил этади. Бу кўшилган қийматнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатади. Чунки ҳар бир қайта ишлаш босқичи ресурсларнинг нарҳини оширади, унинг иқтисодий аҳамиятини кенгайтиради.

Жараёни янада чуқурроқ тушушни учун глобал бозорга назар ташлаш кифоя. Бир неча йил олдин мис нарҳи анча паст бўлган, бугун эса у деярли икки баравар ошган миснинг стратегик ресурсга айланаётганини кўрсатади. Аммо энг катта фойдани хомашёни сотганлар эмас, балки уни қайта ишлаб, юқори қийматли маҳсулотга айлантирганлар кўради.

Масалан, мис хомашё сифатида сотилганда бир қийматга эга бўлса, ундан тайёрланган маҳсулот — кабель, сим ёки юқори

технологияли жиҳозлардаги деталь сифатида унинг қиймати яна бир неча баравар ортishi мумкин. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, чуқур қайта ишланган мис маҳсулотлари хомашёга нисбатан ўн бараваргача юқори иқтисодий самара бериши мумкин.

Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати — унинг самарадорлигида. Масалан, маъданни ташини тизими аънавий усуллардан фарқли равишда конвейер орқали ташкил этилгани харажатларни бир неча баравар қисқартириш имконини бермоқда. Оқибатда ишлаб чиқариш таннарҳи камайиб, рақобатбардошлик ошмоқда. Шу билан бирга, рақамли бошқарув тизимлари орқали барча жараёнлар доимий назорат қилиниши ишлаб чиқаришдаги йўқотишларни камайтиради ва самарадорлигини оширади.

Масалан, мис хомашё сифатида сотилганда бир қийматга эга бўлса, ундан тайёрланган маҳсулот — кабель, сим ёки юқори



технологияли жиҳозлардаги деталь сифатида унинг қиймати яна бир неча баравар ортishi мумкин. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, чуқур қайта ишланган мис маҳсулотлари хомашёга нисбатан ўн бараваргача юқори иқтисодий самара бериши мумкин.

Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати — унинг самарадорлигида. Масалан, маъданни ташини тизими аънавий усуллардан фарқли равишда конвейер орқали ташкил этилгани харажатларни бир неча баравар қисқартириш имконини бермоқда. Оқибатда ишлаб чиқариш таннарҳи камайиб, рақобатбардошлик ошмоқда. Шу билан бирга, рақамли бошқарув тизимлари орқали барча жараёнлар доимий назорат қилиниши ишлаб чиқаришдаги йўқотишларни камайтиради ва самарадорлигини оширади.

Лойиҳанинг яна бир ютуғи — минглаб янги иш ўринлари яратилиши. Бу фақат баъдликни таъминлаш эмас, балки янги турдаги — юқори малакали, замонавий технологияларга асосланган иш ўринларидир. Ёш мутахассислар бу ерда ишлаш билан бирга замонавий санаятнинг тўлиқ иштирокчисига айланмоқда. Фабрика тўлиқ қувватга чиққанидан сўнг 4000 га яқин янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Бу шунчаки статистик кўрсаткич эмас, балки минглаб оилаларнинг даромад манбаи, ёшлар учун имконият ва жамият учун барқарорлик демақдир. Ҳозирнинг ўзидаёқ 1400 дан ортққ ходим ишлаётгани ва уларнинг асосий қисми ёшлар экани эса келажакка қаратилган инвестициянинг инсон капитални орқали амалга оширилаётганини аниқлатади.

имкониятини кўрсатиб қолмай, ҳар бир ходимнинг садоқати, масъулияти ва фидойилигини ҳам ақс эттиради.

Бунёдкорлик суръати

ТАЖРИБА, ИРОДА ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ УЙЎНЛИГИ

3-мис бойитиш фабрикаси Ўзбекистон санаятида янги саҳифа очди десак, муболага бўлмайди. Бу ерда ҳар бир ускуна, ҳар бир жараён, ҳар бир технология янги ҳақиқат фикр ва билим билан уйғунлашиб, фабрикани замонавий санаятнинг юрагига айлантирмоқда. Бу нафақат металл ишлаб чиқариш маркази, балки инсон тафаккури ва меҳнатининг амалдаги намоёнидир.

2021 йил 29 июлда давлатимиз раҳбари томонидан фабрикага тамал тоши қўйилиши шайхонимиз ва комбинат ҳаётида тарихий воқеа сифатида эсда қолди. Шу кундан бошлаб ҳар бир қадам замонавий техника ва инсон тафаккурининг интеграцияси сифатида амалга оширилди. Бу қурилиш ёки ишлаб чиқариш билан бирга бутун санаят тизими учун янги имкониятлар эшигини очди.

2025 йил 30 мартда фабрика илк синов ишлари билан ўз фаолиятини бошлади. “Ешлик-1” конидан қазиб олинган 2,8 миллион тонна маъдан фабрикага етказилди ва 40 минг тоннадан ортққ мис концентрати ишлаб чиқарилди. Бу рақамлар фақат санаят

“**Ҳ**озирда мингдан ортққ ходим фаолият юритмоқда, уларнинг аксарияти ёш мутахассислар. Ёшлар замонавий технологиялар, юқори билим ва малака билан ишлаб чиқариш жараёнини юритиб, мамлакат санаятининг ривожига ҳисса қўшмоқда. Ҳар бир жараёнда уларнинг эътибори, фаолияти ва интилиши фабриканинг муваффақиятини таъминлайди.

3-мис бойитиш фабрикаси ходими бўлганидан фарқланаман. Ҳар бир ўрганган билимим, техника билан ишлаш тажрибам ва жараёнлардаги масъулиятим мамлакатимнинг келажиги, санаят ривожига хизмат қилади.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Ободлик фақат кўча-кўйларни тозалаш ёки инфратузилмани яхшилаш билан эмас, аввало, инсоннинг кўнгли, нияти ва жамоавий масъулиятдан бошланади. Шу маънода, ҳар бир маҳалла обод бўлса, юртимизнинг тараққиёти ва фаровонлиги янада мустаҳкамланади.

22 март – Маҳалла тизими ходимлари куни

МАҲАЛЛА РИВОЖЛАНСА, МАМЛАКАТ ЮКСАЛАДИ



Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

Маҳалла азал-азалдан аҳиллик, бағрикенглик ва ўзаро ёрдам тимсоли сифатида намоён бўлган. У аҳолининг кундалик турмушини тартибга солиш, жамиятда инсонпарварлик, эзгулик, меҳр-оқибат каби юксак қадриятларни мустаҳкамлашда ҳам муҳим ўрин тутди. Шу боис, кейинги йилларда мамлакатимизда маҳалла институтининг ўрни ва нуфузини янада ошириш, фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2020 йилдан бошлаб 22 март санаси Маҳалла тизими ходимлари куни сифатида нишонлаб келинаётгани эса ушбу соҳага юксак эътиборнинг ёрқин ифодаси. Мазкур сананинг айнан Наврўз айёми билан ҳамоҳанг равишда байрам қилинишида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Зеро, Наврўз янгилигини, эзгулик ва бирдамлик байрами бўлса, маҳалла ана шу қадриятларни ҳаётга татбиқ этувчи, одамларни бирлаштирувчи муҳим маскандир.

Халқимиз манфаати йўлидаги саъй-ҳаракат

Ҳозир эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва келгуси вазифаларни белгилаб олиш учун ҳам муҳим фурсат. Шу маънода, бутун маҳалла тизими фаолиятининг самарадорлиги аниқ рақамлар ва амалий натижаларда ўз ифодасини топмоқда.

Кўйида келтирилган рақамлар шунчаки статистика эмас. Улар замирида маҳалла тизимини ривожлантириш йўлида яратилаётган кенг имконият ва шарт-шароитлар, “еттилик”нинг 8992 маҳаллада қилиётган 55 мингдан ортиқ ходими ҳамда қарийб 1 миллионга яқин жамоатчилик фаолиятининг масъулияти, ягона мақсад, яъни халқимиз манфаати йўлидаги саъй-ҳаракати муҳимасам.

Кейинги йилларда нутқимизда “ишсизликдан (камбағалликдан) холи ҳудуд” деган ибора тобора кўпроқ қўллана бошлади. Ростки, кўпчилигимиз аввал бу каби мақсадларга эришишни қийин ёки дегулки имконсиз деб ўйлаганимиз. Бироқ “еттилик”, маҳаллабай ишлаш тизими йўлга қўйилган, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш борасидаги изчил чора-тадбирлар бу қарашларни амалда инкор этди. Натижада ўтган йил якунига қўра, 2090 маҳалла ишсизликдан, 1435 маҳалла эса камбағалликдан холи ҳудудга айланган.

Очиги, бу рақамларни айтишгина осон. Бундай ўйлаб қаралса, улар моҳиятида минглаб оилалар ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар, барқарор даромад манбаига эга инсонлар, янги иш ўринлари ва тадбиркорлик имкониятлари муҳимасам. Биз учун қувонarli жиҳати шундаки, бу натижалар маҳалла институтининг аҳоли турмуш даражасини ошириш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ва одамларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутаятганини аққол намоён қилмоқда.

Жорий йилда мазкур йўналишдаги ишларимизни янги, сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтариш бўйича зарур чора-тадбирларни

ишлаб чиқаямиз. Зеро, Президентимиз камбағаллик ва ишсизликдан холи маҳаллалар сонини 3500 тага етказиш вазифасини қатъий белгилаб қўйган. Агар биз бу вазифани удаласак, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг энг муҳим мақсадларидан бирига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Тинчлик ва хавфсизлик ҳар қандай жамият тараққиётининг энг муҳим шартларидан. Шу нуқтаи назардан қараганда, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ҳам маҳалла тизимининг ўрни бекиёс. Ўтган йили 4388 маҳалланинг жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантирилгани тинч-осойишта муҳитни таъминлашда маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги қанчалик муҳимлигини намоён этди. Бу эса жиноятнинг олдини олиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эмас, балки бутун жамоатчиликнинг ҳамжиҳат ҳаракати орқали самарали таъминланишини кўрсатади.

Бутун оила институтини мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Оилавий муаммоларни ўз вақтида чуқур ўрганиш, уларга мақсадли ва самарали ёрдам кўрсатиш, психологик ва ҳуқуқий маслаҳатлар бериш йўналишдаги ишлар тўғри ташкил этилса, маҳаллада ажрашиллар сезиларли даражада камади, ёшлар ўртасида соғлом оилавий муносабатлар шаклланади ва барқарор, мустаҳкам оилалар сони кескин ортади.

Ушбу жараёнда жамоатчиликнинг иштироки ва масъулияти кескин кучаяди, маҳаллада ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик муҳити қарор топади. Бу борада қилинган тизимли ишлар самараси ўтган йили ҳам яққол намоён бўлди: 1670 маҳаллада ажрашиллар ҳолатларининг олди олингани оилаларни асраш, ёшларни тўғри тарбиялаш борасида маҳалланинг аҳамиятини яна бир бор тасдиқлади.

Яна бир жиҳат. Маҳалла, аввало, одамлар муаммосини яқиндан биладиган тизим. Ўт-



Президентимиз “Маҳалла обод бўлса — юрт обод бўлади” деган иборани кўп таскидлайди. Чунки мана шу муҳим фикр замирида халқимиз фаровонлигини таъминлаш, хотиржам ва муносиб яшаши учун қулай шарт-шароит яратишдек эзгу мақсад муҳимасам. Маҳалладаги ҳар бир хонадон тинч-топув, ҳар бир кўча обод бўлса, бутун мамлакатнинг тараққиёт суръати ҳам, жамиятнинг кайфияти ҳам шунга яраша бўлади.



ган йили маҳаллага келиб тушган 4,8 миллиондан ортиқ мурожаатнинг 89 фоизи айнан шу ернинг ўзида ҳал этилди. Бу, ўз навбатида, самарали механизм йўлга қўйилганини аниқлатади. Жорий йилда маҳаллалардаги муаммоларни бир вақтнинг ўзида тезкор ҳал этишда барча давлат органига масъулият юклаб, ижронини 24/7 режимида онлайн назорат қилиш амалиётини йўлга қўйиш режалаштирилган. Ҳозир манфатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда бу тартибни жорий этиш имкониятлари кўриб чиқилляпти.

Маҳалла фақат маъмурий тузилма эмас, балки оилаларни асраш, ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган муҳим ижтимоий-маънавий маскандир. Шу боис, бу каби натижалар жамиятимизда соғлом ва барқарор муҳитни шакллантиришда маҳалланинг ўрни ва масъулияти қанчалик улкан эканини аққол кўрсатмоқда. Бу вазифаларни амалга ошириш маҳалланинг тарбиявий ва ижтимоий салоҳиятини янада кучайтиришни талаб этади.

Хитойлик профессор ва экспертлар эътирофи

Ислохотлар марказида, шубҳасиз, инсон қадрини, муносиб ҳаёт кечириши масаласи туртибди. Ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва амалиётга татбиқ қилиш ҳам муҳим.

Хитой камбағалликни қисқартириш бўйича етакчи давлатлардан. Унинг тажрибасини Ўзбекистон шароитига мослаштириш учун Фудан университети профессори Ван

Сяолин ҳамда Пекин педагогика университети профессори Чжан Си билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Дастлабки босқичда жорий йил февралда улар иштирокида республика бўйлаб “маҳалла еттилиги”нинг оғир тоифадаги 903 маҳаллада фаолият юритаётган 6000 аъзоси учун онлайн ўқув семинари ташкил этилди. Ушбу семинар нафақат назарий билим бериш, балки амалиётда синовдан ўтган самарали ечимларни оммалаштиришга хизмат қилди.

Орадан кўп ўтмай, март ойида хитойлик профессорлар Ўзбекистонга келиб, жойларда ҳолат билан ақиндан танишди. Хусусан, улар Сирдарё туманидаги “Кўёш”, Зарбдор туманидаги “Лалмикор” ва “Оқбулоқ”, шунингдек, Жомбой туманидаги “Найман” ва “Сарой” маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, аҳоли турмуш тарзи, бандликни таъминлаш, даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган амалий ишлар билан танишди.

Шу билан бирга, “маҳалла еттилиги” фаоллари иштирокида “Маҳаллада камбағалликни қисқартиришда Хитой тажрибаси” мавзусида ўқув семинари ўтказилди. Унда илгор ёндашувлар, аниқ механизмлар ва натижага йўналтирилган иш усуллари муҳокама қилинди. Айнқиса, Жомбой туманининг Сарой маҳалласида яшовчи А.Қурбонов хонадониди Хитой ва Жанубий Корея технологиялари асосида ташкил этилган замонавий иссикхона хитойлик мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Бу каби амалий ташаббуслар аҳолини барқарор даромад манбаига эга қилишда муҳим омил бўлаётгани тасдиқланди.

Аҳиллик ва шукроналик рамзи

Аҳамиятисиз, ўрганиш ва таҳлиллар натижасида бир муҳим ҳақиқат яна бир қарра ўз тасдиғини топди: профессорлар Ван Сяолин ва Чжан Си қайд этганидек, Ўзбекистон қисқа вақтда камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадини ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида салмоқли натижаларга эришди. Хусусан, Хитой 40 йилда босиб ўтган йўлнинг муайян натижаларига Ўзбекистон сўнгги 9 йилда эришгани эътироф этилди.

Бу эса мамлакатимиз мазкур йўналишда ўз йўли, модели ва самарали ёндашувини шакллантириш улгурганидан далолат беради. Мутахассислар фикрича, яқин икки йилда камбағал оилалар сонини кескин қисқартириш, ҳатто бу муаммони тўлиқ бартараф этиш имконияти мавжуд.

Аҳамиятисиз, ўрганиш ва таҳлиллар натижасида бир муҳим ҳақиқат яна бир қарра ўз тасдиғини топди: профессорлар Ван Сяолин ва Чжан Си қайд этганидек, Ўзбекистон қисқа вақтда камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадини ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида салмоқли натижаларга эришди. Хусусан, Хитой 40 йилда босиб ўтган йўлнинг муайян натижаларига Ўзбекистон сўнгги 9 йилда эришгани эътироф этилди.

Бу йилги Рамазон ойи ҳар қачонгидан ҳам саховатга бой бўлди десак, аниқ ҳақиқатни айтган бўламиз. Президентимиз ташаббуси билан “Рамазон — меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик ойи” шиори остида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг учун “Вақф” хайрия жамоат фондига 750 миллиард сўм ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги орқали 300 миллиард сўм ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан эҳтиёжманд оилаларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди, ноғиронлиги бор шахсларнинг даволиниш ва жарроҳлик амалиёти харажати қоплаб берилди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ёрдамида ноғиронлиги бўлган, яқка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган ва ижтимоий реестрга киритилган 100 минг фуқаронинг манзилли рўйхатини шакллантирди. Уларга давлат кўмағи сифатида 10 миллиард сўмлик 10 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари жамланган туҳфалар тайёрланиб, босқичча-босқич етказиб берилди. Бундан ташқари, барча маҳалладаги эҳтиёжманд оилалар хонадонларида маҳалла раислари томонидан ифторлик дастурхонлари ёзилди. Уларга жами 629 мингдан ортиқ нуруний, Ҳар бир маҳалладан 10 нафардан — жами 100 мингга яқин камбағал оиланинг томорқасига сабзавот, полиз, картошка ва бошқа

турдаги экинлар экилди. Эҳтиёжманд оилалардаги 20 минг кишининг муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларга саёҳати уюштирилди. Барча маҳаллада кайвони ва ҳожи онахонлар иштирокида сумалак сайиллари ўтказилмоқда.

Шубҳасиз, бу каби эзгу ишлар маҳалланинг асл моҳиятини яна бир бор намоён этди. Чунки маҳалла азалдан одамларнинг иссиқ-совуғидан хабар оладиган, эҳтиёжмандларга елкадош бўладиган энг яқин ижтимоий маскандир.

Ободлик кўнгиладан бошланади

“Обод” сўзи равнақ топган, яхши тартибга солинган, тинч-фаровон жой деган маъноларни аниқлатади. У тилимизга тоза ва чиройли жой, инфратузилмаси яхши, одамлар яшаши учун қулай, тараққий этган ва фаровон ҳудуд сифатида кирган.

Айнан шунинг учун Президентимиз “Маҳалла обод бўлса — юрт обод бўлади” деган иборани кўп таскидлайди. Чунки мана шу муҳим фикр замирида халқимиз фаровонлигини таъминлаш, хотиржам ва муносиб яшаши учун қулай шарт-шароит яратишдек эзгу мақсад муҳимасам. Маҳалладаги ҳар бир хонадон тинч-топув, ҳар бир кўча обод бўлса, бутун мамлакатнинг тараққиёт суръати ҳам, жамиятнинг кайфияти ҳам шунга яраша бўлади.

Ана шу эзгу анъаналарнинг давоми сифатида жорий йил 13-14 март кунлари мамлакатимиз бўйлаб “Юрт ободлиги, аввало,

макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида мамлакат бўйлаб 6,8 миллиондан ортиқ даракх кўчати экилди. Эътиборлиси, уларнинг 1,4 миллиондан зиёди камбағал оилалар хонадонига экилиб, келгусида улар учун қўшимча даромад манбаига айланади. Шу билан бирга, 850 дан ортиқ янги “яшил” боғ барпо этилди.

Ҳашар доирасида маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш ишлари ҳам бажарилди. 199 километр йўл асфальтланди, 690 километр йўлга шағал тўшалди. Электр таъминотини яхшилаш учун 590 та трансформатор таъмирланди, минглаб устувлар янгиланди ва 7000 дан ортиқ тунги ёритқич ўрнатилди. Шунингдек, ҳашар кунлари 568 та ижтимоий ва маънавий объект фойдаланишга топширилиб, 1387 та янги иш ўрни очилди. Муҳими, бу тадбирларда 17 миллиондан ортиқ фуқаро, жумладан, 9 миллиондан зиёд ёшлар фаол иштирок этди. Бу эса ёш авлодининг юрт тақдирига бефарқ эмаслиги, улар обод Ватан барпо этиш ғоясига сидқидилдан ҳисса қўшаётганини кўрсатади.

Ободлик фақат кўча-кўйларни тозалаш ёки инфратузилмани яхшилаш билан эмас, аввало, инсоннинг кўнгли, нияти ва жамоавий масъулиятдан бошланади. Шу маънода, ҳар бир маҳалла обод бўлса, юртимизнинг тараққиёти ва фаровонлиги янада мустаҳкамланади.

Ҳар қачонгидан ҳам залворли

Ҳозир маҳалла тизими зиммасига юкланган вазифалар ҳар қачонгидан ҳам улкан ва масъулиятлидир. 2026 йилнинг мамлакатимизда Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили деб эълон қилингани ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Бу борада, аввало, маҳаллаларда аҳолини банд қилиш ва камбағалликни қисқартириш ишларини янада тизимли ташкил этиш, ҳар бир оиланинг даромад манбаига эга бўлишига амалий кўмак бериш устувор вазифамиз бўлиб қолади. Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш ва замонавий касб-хунарларга ўқитиш орқали маҳаллаларда барқарор иқтисодий муҳитни шакллантириш ҳам муҳим.

Шунингдек, “еттилик” аъзолари билан биргаликда маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш, оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида ўлгайтиришда тарбиявий ва профилактика ишларини янада кучайтириш, Айнқиса, ажралишларнинг олдини олиш, мустаҳкам ва барқарор оилаларни шакллантириш маҳалла фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолади. Бундан ташқари, аҳоли мурожаатларини ҳал этишда маҳаллаларнинг имкониятини янада кенгайтириш, хонадонбай ишлар



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

маҳалладан бошланади!” шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Ҳашар кунлари 160 мингга яқин кўча ва 57 минг гектардан ортиқ ҳудуд ободонлаштирилди. 21 миллиондан зиёд даракх тақдир қилинди. 665 та зиёратгоҳ ҳамда 25 мингдан ортиқ келтирилди. Тозалик ишлари ҳам кенг кўламда бажарилди, 20 минг тоннадан зиёд чикинди чиқариб ташланди.

Ҳашар доирасида томорқалар ва сугроғи тизимларини яхшилаш ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 18 минг километрдан ортиқ ариқ ва лотоклар тозаланиб, янги сув йўллари очилди. Натижада 345 мингдан зиёд хонадон томорқасида сугроғиш имкониятлари яхшиланди. Шунингдек, “Яшил

тамоилини чуқур жорий қилиш ҳамда муаммоларни тезкор ҳал этиш бўйича рақамли механизмларни амалиётга татбиқ этиш долзарб вазифалардан.

Энг муҳими, маҳалла фаолиятида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, фаол фуқаролар, нурунийлар ва ёшларни маҳалла ҳаётига жалб этиш орқали жамиятда ҳамжиҳатлик ва бирдамлик муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Зеро, маҳалла ривожланса, жамият мустаҳкамланади, маҳалла обод бўлса, юрт обод бўлади. Шу маънода, 22 мартини нафақат Маҳалла тизими ходимлари кунини, балки эзгу қадриятларнинг тантанаси сифатида нишонлаш ҳар биримиз учун юксак шарафдир.



6

2026 йил 22 март,
55-сон

Шукух

uzuz_official yuz.uz_news



Мулоҳаза

Бахорнинг дилтортар таровати юртимиз узра сепини ёяётган шукуҳли кунларда табиат билан уйғун ҳолда инсон руҳияти ҳам покланиш ва янгилаш сари юз тугади. Шарқона янги йил — Наврўзи олам даракчиси бўлиши урф-одатларимиз орасида сумалак сайлининг ўрни ҳақиқатан ҳам ўзгача.

БАРДАВОМ ҚАДРИЯТЛАР

Мазкур маросимни шунчаки миллий таомномадаги егулик пишириш жараёни эмас, балки асрлар оша сайқал топиб келётган қадриятлар, маънавий-эстетик қарашлар ва ижтимоий муносабатларнинг яхлит мажмуи сифатида эътироф этиш ўринли. Зотан, авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтаётган бу қадимий анъана ўз замирида чуқур фалсафий, психологик ҳамда санъаткорона моҳиятни мужассам этган юксак маданий ҳодиса, десак янгиликларимиз.

Тун бўйи дошқозон атрофида қайнайди-ган ҳаёт шунчаки тунги бедорлик эмас, ўзига хос руҳий покланиш майдони. Қишнинг узун ва қиrowsи кунларида одамлар қалбиди янгилик қолган губорлар, совуқ захматлари айнан шу қозон бошидаги самимий дийдорлашув ҳароратида эриб кетади. Аёллар, мўғабар момолар ва қиз-жувоғлар ўз дарду ҳасратларини, орзу-умидларни қувончин билан бири билан баҳам кўради. Қозон атрофидаги қайноқ суҳбатлар ҳамда эзгу ниятлар чинакам ижтимоий терапия, руҳий энгиллик воситаси вази фасини ўтайди.

Санъат нуқтани назаридан ёндашганда, айни жамоавий маросим халқ озгаси ижоди дурдоналари яраланди лаборатория, қадимий ва тирик саҳна вази фасини ҳам баҳам кўради. Асрлар давомида халқимиз орасида тилдан тилга кўчиб юрвчи ўллар, яллар,

ўзаро узвий ифодасини топган. Бугун биз мазкур миниатюраларни шунчаки ўтмиш хотираси эмас, балки қон-қонимизга сингиб кетган жонли анъана сифатида ўз ҳаётимизда хис қиламиз. Тарихий кўргазмаларимизни безаб турган қадимий мис қозонлар ва нақшкор капкирлар эса оддий рўзгор буюми доирасидан алақачон чиқиб кетганига қарамай, асрлар давомида халқимизнинг дардини тингланга, қувончига шерик бўлган бебаҳо маданий ёдгорликлар бўлиб қолаверди.

Шу боис, мутахассислар асрлар оша яшаб келётган бундай йиғинларни мукаммал этномаданий ҳодиса сифатида эътироф этади. Зотан, унинг замирида адабиёт, мусика, хо-рография ҳамда тасвирий санъат унсурлари яхлит бирилашиб кетади. Бир маросимнинг ўзида ҳам иждоқор, ҳам иштирокчи, ҳам томошабин бўлиш имконияти мавжудлиги қадимий синкретик санъатнинг энг гўзал ва ноқий қўриқидир. Бундай оммавий оқ-шомлар ҳозир ҳам ёш иждоқорлар, шoirлар ва бастакорлар учун илҳом чашмаси бўлиб хизмат қилади.

Бугунги тезкор ва глобаллашув жараёни жадаллашган мураккаб даврда миллий ўзликни англаш, асрий қадриятларимизни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Жамият ўзлигини асраб қолувчи,



лапарлар ва халқ қиссалари бевосита мана шу гулхан ёруғидаги кечаларда сайқал топган. Қозон қовлаётган молларнинг мунгли ёҳуд жўшқин хиргойилари келин-қизлар тилида мулқо янгидан жило топиб, авлодлар силсиласини мустаҳкамловчи мусиқий кўприкка айланади. Оловнинг чарс-чурс ёнганлиги капкирнинг қозонга урилишидан ҳосил бўладиган ритм гўё қадимий мусиқий оҳангларимизнинг зарбли усулларини ёдга солади. Айнан шу мусиқий ва руҳий уйғунлик муҳитида янгидан янги халқ қўшиқлари дунёга келган. Дошқозон атрофида айтилган ҳар бир байт, ҳар бир халқона таронада жамиятнинг теран ижтимоий хотираси ҳамда эстетик тафаккури маҳсули яққол намоён бўлади.

Бугдй майсаларнинг ундирилиши табиатнинг уйғонши рамзигина эмас, умр узлуқсизлигининг боқий тимсоли ҳамдир. Майсаларнинг яшил рангида ҳаётбахш энергия ва эзуликка интилиш акс этади. Қозон тубига ташланадиган тошлар эса инсонларни ҳаётнинг қаттиқ синовларига бардошли, тошдек мустаҳкам ирода эгаси бўлишга ундовчи метафорик белгидир. Айни неъматнинг пишиб етилиши учун сарфланадиган машаққатли меҳнат, тунги бедорлик ва ниҳоят саҳардаги тотли натижа — буларнинг барчаси инсонни сабр-тоқат, меҳнатқатлик ва охи-р-оқибат гўзал самарадан баҳраманд бўлишга ўргатувчи тарбия мактаби бўлиб хизмат қилади.

Қадимий миниатюра асарларида наврўз-олди сайиллари доимо халқнинг энг улугвор байрами сифатида тасвирланганига гувоҳ бўламиз. Дошқозон атрофидаги манзараларда рангларнинг ёрқинлиги, одамлар юзигади самимий кулги ҳамда ҳаракатлардаги шиддат

Асилбек ҚОЛҚАНОТОВ,
таянч докторант

Юртимизга биз орзиқиб кутган, улугларимиз қомусий байрам дея эътироф этган, миллатимиз билан бирга яшаб, қадр топиб, тараққий этиб келётган Наврўзи олам ўз тароватини қуртагу гунчаларнинг офтобга кўз қирларини солишида намоён қилиб кириб келди. Табиат либосини оловдек яшнаган тароват билан алмаштирди. Яшариш ва янгилаш, меҳроқибат, меҳнат ва бунёдкорлик руҳини касб этган шарқона янги йилимизнинг бошланиши “Наврўзи улуглаш — инсонни улуглашди!” шiori остида ана шундай тароватни туйган қалбларнинг дилномаси бўлиб, киру адирларда янграган куй-қўшиқларда, қизларнинг кулгусида, момоларнинг лапарларида, бободекхоннинг умиду ишончида, жажжи боложонларнинг қийқириқларида оламни тутмоқда.



минди, қаймоқли юпка, тандир гўшт, палов дастурхонларни безаган. Қозонда эса сумалак дамлаб қўйилган. Барча иждоқорлар иштирокида сумалакнинг юзи очилганда улугларимиз билан биргаликда дуога қўл очиб, тинч ва осойишта юртимизга, элимизга, ризку насибамизга файзу барокат тиладик. Ховоснинг кўчалари обод, озода, ранго-ранг камалак тасмалар билан безалган. Ана шу кўчаларга ёши улуглар бошчилигида ниҳол экиш удумини ба-жардик. Бунки кўриб турган ёшларимизга аждодларимиздан асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга ўтиб, йўқолиб кетмайдиган удум эканини боболар таъкидлаб ўтди. Биргина экилган ниҳолнинг дарахт бўлганда мевасини кўпчилик еса, сояси элга наф берса, бунинг сабови улуг эканини англаган ёшларимиз ҳам ишимизга кўмакчи бўлди.

келишидан олдин ўтадиган қаҳратон кунларни эсласам, бугунги куннинг ҳар лаҳзаси учун шуқрона айтаман. Мен бу байрамда янгидан туғилгандек бўламан.

Албатта, Наврўз байрами улугларимиз эътироф этгани каби маънавийтимизни шакллантирувчи юксак мезонлардан биридир. Дунёда инсонийликни унутган миллатлар қанча? Тинчлик ва хотиржамликни унуттаётганлар-чи? Шууримизда бизга ҳаёт нафасини улашиб, тирикликнинг маъно ва мазмунини англашга турган бу қадимий байрамимиз Оқолтин туманига кириб борганимизда янаям тарихан муҳташамлигини кўрсатди.

Майдон ўртасидаги саҳнадан таралаётган чанқовунинг жарангдор ноласи аждодларимизнинг уйғоқ ва бизлардан рози бўлган руҳидан дарак бераётгандек томирларимизни жимирлатиб юборди.

Чанқовунинг лабиди тутиб сайратаётган саксон беш ёшли Ҳабиба момо Мирзаева давлатимиз раҳбарининг қўлидан “Дўстлик” орденини олган дамлар эсимга тушди. Тан бермасдан илож йўқ. Момонинг ғайрати ҳаммамиз учун ҳавас қилгулик даражада. Саксон беш ёшида ҳам велосипед спорти билан шуғулланиши ва “Олтин мерос” фольклор жамоасида саз сайрати, кўшиқлар айтишни қойиллатиш унга момомерос.

Ўзлимизни шакллантирувчи мезон

Байрам шукуҳини тарқ этмаган ҳолда Боёвунинг қоқ марказидаги стадионда ўтказилган Наврўз сайлига кириб бордик. Боёвут тумани ҳокимлиги томонидан тумандаги ёрдмага муҳтож оилалардан бўлган 30 боложоннинг суннат қилингани ва уларга



совга — янги велосипедлар тайёрлаб қўйилгани гувоҳи бўлдик. Қайроқ овозда, доира чалиб лапар куйлаётган Боёвут фольклор ансамбли азоси Ойсулов опа Ҳотамованинг қувониб сўзлаган гапларида жон бор эди.

— Мен 30 йилдан буён шу фольклор гуруҳида Наврўзнинг қадр-қимматини кўрсатадиган лапарларим билан ёшларни байрамларда бирга куйлашга чорлайман, — дейди Ойсулов опа. — Ўзим бошлангич синфга дарс бераман. Бу анъаналаримиз ёшлар онгига сингитиши юрагидида юртта муҳаббатни, эзуликка ишончини, инсонийликка садоқат туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Беруний, Навойий бобомиз, қолаверса, бошқа улуг аждодларимизнинг бу байрам ҳақидаги ибратли ва ўлмас асарларини тилимиздан туширмаймиз. Наврўз

— Ўзбекистон далаларидан, қирларидан, сув ва ҳавосидан, элимнинг, юртимнинг меҳридан нафас олиб умр кечир-япман, — дейди Ҳабиба момо. — Неча йиллар шу заминда бригадир-механизатор бўлиб ишлаб, юртимнинг юрагини тинг-лаган садоқатли мухлисман. Бир пайтлар сумалакни соғиниб ичиккан кунларимиз, кўшиқларимизни Наврўзсиз куйлаган дамларимиз бўлди. Гуруҳимизда ўзимга ўхшаган яна олтига иждоқор ва билимли момо бор. Минг шуқри, бу кунларни кўриш ҳам бизга насиб қилди.

Қаҳрамонлар шу эл ичиди

Наврўз сайлимиз барча туманларда бир-бирига улашиб борар экан, Ширин шаҳридаги байрамона чиқишлар Ўзбекистон халқ артисти Мансур Тошматовнинг ҳам завқини оширди. Арқон тортиш баҳ-сида Мансур ака ёш йигитлар гуруҳида туриб, уларга руҳан кайфият берди. Тортишуда енгиллаётган гуруҳ голибликни қўлга киритди. Байрам тadbирлари давомида сирдарёликларнинг удан ютуқлари, режалари, олий мақсадлари, кўнгилларидаги байрамона кайфиятларини ўзимизга маёқ қилиб олдик. Ёзилмак янги асарларимизнинг қаҳрамонлари шу элнинг ичи-да кўплаб эканига амин бўлдик. Ҳар бир туманда бўлаётган илхотлар самарасини кўрдик. Халқимизнинг шодлиёна кунлари-да бирга бўлиш насиб қилганидан шуқ-ронларимизни билдирдик. Наврўз сайли фестивалининг шукуҳи эса Сирдарёнинг муаззам гўшаларидан бошланиб, республикамизнинг энг олис овулларига ҳам да-вом этмоқда.

Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА,
“Маърифат” тарғиботчилар
жамияти азбоси



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Варрақлар парвозига эш тилаклар

“Авесто” давридан буён халқимизнинг минг йиллик завол билмас урф-одатлари, анъаналари, удулари Наврўзнинг гоғларига эш бўлиб келмоқда. Бошқаларидан фарқли ўлароқ, халқимиз бу байрамни қардошларимиз бўлган бошқа миллат вакиллари билан биргаликда кўтаринки руҳда нишон-лайди.

Тинчликсевар халқимиз бу йил ҳам мана шундай завол билмас удуларимизни кенг майдонларда, қўеши порлаб турган осмон остида Наврўз сайли фестивали доирасида нишонламоқда. Уларнинг хурсандчилиги-га хурсандчилик қўиши учун Республика Маънавий ва маърифат маркази, “Маъри-фат” тарғиботчилар жамиятининг ижодий гуруҳи илк сафарини 16 март кунки Сирдарё вилоятидан бошлади.

Тонгда Тошкентдан Сирдарёга йўл олган микроавтобусимиз кўз очиб юмгунча Ховос туманидаги байрам ўтказилаётган майдонга, айнан қанот ёзиб осмонга юксалаётган вар-рақларнинг парвози бошланган пайтда кириб борди. Байрамнинг қизгин манзараси кўзни қамаштириб, юракларимизни орзактирди. Чунки гуруҳимиз аззолари билан биргаликда ховосликларнинг фольклор қўишқлари ян-граётган, спортчилар кураш тушаётган, дор-боз йигитлар маҳоратини намойиш қилаёт-ган, истеъдодли ўқувчилар байрам тасвирини расмларида чицаётган, онахонларимиз пах-та саваб, урнуқ йитириб, қизалоқларимиз ҳаптак ўйнаган, опажонларимиз пишириб турли таомлар билан дастурхон безаган, гунармандлар яратган санъат асарларини, келинчақларнинг миллий кийимимиз атлас, адрас кўйлақлардаги намоийшларини кўриб, улугларимиздан дуо олаётган муҳташам дав-раларига беихтиёр қўишлиб кетдик. Ҳамма бир-бирини соғинган, сийлаган, кечирган, гина-қудуратдан фориг бўлган, келажакдан юксак умидларининг ривожини тилаган. Даврани эса халқ озгаси ижодчининг энг сара қўишқлари янада оловлантирди.

Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан,
Ҳамма бир-бирига жисар сўз экан...

Суст хотин, сузма хотин,
Қўланакси майдон хотин,
Емеир ёдбир, хўл бўлсин,
Еру жаҳон кўл бўлсин.

Бу янграган қўишқлар халқимизнинг алдаси каби ёд бўлиб кетган сонатадир. Байрамда шундай халқ қўишқлари ёш қарининг тилида янгради. Ҳамма бир-бирига соғинар улашган. Сирдарёнинг ўзига хос таомлари — кўк сомса, гўшти-чучвара, шакарли қатлама, нишолда, гил-

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун буюмани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридидаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246.
31346 нусxada босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Одсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибуев
Мусахҳис: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев
Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎЗА яқуни — 22:35 Топширилди — 00:30